

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ
“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТУЗИЛМАСИДАГИ
ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ МУЗЕЙИ**

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

ХОТИРА КИТОБИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

**«MATRIX»
ТОШКЕНТ
2025**

УЎК: 32.019.5(575.151)(092)

66.3(5Ў)

Қ 28

Қатағон қурбонлари. Хотира китоби. Сурхондарё вилояти / Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи. «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди. - Тошкент: «MATRIX» нашриёти, 2025. - 364 б.

КБК 66.3(5Ў)

Тахрир ҳайъати:

Профессор Б.В.Ҳасанов (раис), академик **Н.Ф.Каримов**, профессор Д.А.Алимова, профессор **Д.Х.Зиёева**, профессор Ж.Х.Исмоилова, профессор РТ.Шамсутдинов, профессор Х.Э.Юнусова, профессор З.РИшонходжаева, доцент А.Р.Кудияров, М.Ф.Зикруллаев, Б.Ирзаев, доцент М.А.Дармонова, Ю.Х.Ашуров, Д.Ф.Файзуллаев, М.Б.Алижонов, Б.А.Муратов, Ю.Ж.Сафаров.

Тузувчилар:

Т.ф.д, проф. Б.В.Ҳасанов, т.ф.д, проф. С.Н.Турсунов, т.ф.д, проф. Э.О.Қобулов, т.ф.н., доц. **А.Қ.Тўхтаев**, т.ф.ф.д., доц. в.б. И.И.Умаров, т.ф.ф.д. А.А.Боқиев, т.ф.ф.д., доц. О.А.Исаев, т.ф.ф.д., Х.Х.Қобилов, т.ф.ф.д. Ж.Э.Тангриқулов, У.Б. Қувваталиев, О.М.Назаров, Ш.Т.Худайбердиев, З.Ш. Йўлдошева, М.Ч.Қулмўминов.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5598-сон фармойиши ҳамда 2024 йил 19 июл санали “Сиёсий қатағон қурбонлари бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги ПҚ-270-сон қарори асосида Россия империяси мустамлакачилиги даврида шунингдек, совет тузуми йилларида Ватанимиз озодлиги йўлида курашган, миллатни эрк ва хуррият учун курашга даъват этган, бироқ, ҳукмрон Чор империяси даврида жазога тортилган ҳамда мустабид шўро тузуми томонидан “халқ душмани” бўлганликда айбланиб, отилган, совуқ ўлкаларга сургунга юборилган, ноҳақ қатағонга учраган азиз ватандошларимиз номларини абадийлаштириш мақсадида нашр этилди.

ISBN 978-9910-8184-4-8

© Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи. 2025.


© «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди. 2025.

© «Matrix» нашриёти. 2025.



МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАР	16
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ КУРАШ	
ҚУРБОНЛАРИ (1917–1924 ЙИЛЛАР)	19
ТУРЛИ СИЁСИЙ АЙБЛОВЛАР ВА “ҚУЛОҚ”ЛАШТИРИШ	
ҚУРБОНЛАРИ (1925–1936 ЙИЛЛАР)	29
“КАТТА ҚИРҒИН” ҚУРБОНЛАРИ (1937–1938 ЙИЛЛАР)	235
1940–1950 ЙИЛЛАР ҚАТАҒОНЛАРИ	343
“ПАХТА ИШИ” ҚУРБОНЛАРИ	353



КИРИШ

Ватанимиз тарихида энг аянчли ва мудҳиш из қолдирган совет му-
стамлакачилигининг оммавий террор сиёсати кенг оммага номаълумли-
гича қолиб келмоқда. Совет ҳокимияти олиб борган сиёсат натижасида
Ўзбекистонда, шу жумладан, Сурхон воҳасида ҳам минглаб одамларнинг
умри хазон бўлди. Большевиклар томонидан тўқиб чиқарилган сохта
ишлар бўйича жуда кўплаб бегуноҳ кишилар қатағон қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Сурхон воҳасида ўтказилган оммавий қатағон-
лар Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига нисбатан ўзига хос хусусиятлар-
га эга. Негаки, мазкур ўлка 1920 йилга қадар Бухоро амирлиги таркиби-
да бўлиб, Туркистон генерал-губернаторлигидаги ижтимоий-иқтисодий
ва сиёсий жараёнларга унчалик тортилмади. Бу ҳудудда фақат Термиз
шаҳригина Россия империяси таъсири доирасида эди. Чунки, 1888 йил-
дан эътиборан Бухоро амирлиги томонидан Паттакесар қишлоғидаги
кечувга алоҳида эътибор қаратила бошлангач, қишлоқда кўплаб савдо
идоралари, дўконлар қурила бошланган эди. Паттакесар қишлоғи неги-
зида вужудга келган шаҳар ерли аҳоли томонидан Янги Термиз ёки Янги
шаҳар деб аталди. Табиийки, ҳудудда рўй берган ижобий ўзгаришлар
Россия ҳукмрон доираларини ўзига жалб этмай қолмади. Улар ҳам амир
барпо этаётган шаҳарда ўз таянч истеҳкомларини яратишга ҳаракат қи-
лишди. Негаки, бунда бутун сарф-харажат асосан амирлик зиммасига ту-
шар эди¹.

1893 йил 15 январдаги Россия-Бухоро шартномасига биноан Патта-
кесар қишлоғининг бир қисми рус подшосига “совға қилинди”. Шундан
кейин бу ерга 7-чегара округига кирувчи рус ҳарбий қисмларини жой-
лаштириш бошланди. Янги Термиз икки қисмга: маҳаллий аҳоли яшовчи
Янги шаҳар ва европа миллатига мансуб аҳоли яшовчи Тупроққўрғонга

¹ Умаров И. Тарихий демографик жараёнларда Термиз шаҳрининг ўрни // Сурхон-
дарё: илм ва тафаккур. Илмий мақолалар журнали. 2020 йил 1-сон, 75–76 бетлар.




бўлинди. Термизни Афғонистон томонидан бўладиган ҳужумлардан ҳимоя қилиш учун туб аҳоли кучи билан қурилган қўрғон 1900 йилда Россия империясига “абдий совға қилинди”. Натижада, мустамлакачилар Термизда иккита таянч истеҳком: аҳоли яшовчи Тупроққўрғон ва ҳарбийлар жойлаштирилган Термиз қўрғонига эга бўлишди².

Амирнинг фармони билан 1894 йилдан бошлаб Янги Термизни қуриш бошланди. Барча бекликлар шаҳарга муайян миқдорда ҳашарчи ва усталар жўнатишди. Шаҳар 15 йил давомида йирик қурилиш майдонига айланди. Унинг қурилишида бутун амирлик аҳолиси иштирок этди. Шу билан бирга, чор маъмурлари Термиздаги ўз қўшинларига таяниб, ўлкада мустамлакачилик сиёсатини олиб боришга ҳаракат қилдилар. Уларнинг мақсади – маҳаллий аҳолининг ерларини текинга тортиб олиш ва пахтачилик плантацияларини шакллантириш эди. Россиялик капиталистларнинг зўравонлик билан иш тутиши туб аҳолининг жиддий қаршилигига дуч келди. 1916 йилнинг март – апрель ойларида Жарқўрғон, Денов, Шеробод ва Бойсунда содир бўлган оммавий ғалаёнлар империя ҳукуматини жиддий ташвишга солиб қўйди. Жазо кучлари ишга солиниб, бир нечта қишлоқлар ёқиб юборилди. Кўплаб кишилар Сибирга сургун қилинди. Сурхон воҳасида мустамлакачилар иштирокидаги илк қатағонлар шундай бошланган, босқинчиларнинг зўравонлиги шу тариқа ҳис қилинган эди. Буларнинг ҳаммаси ўлка аҳолисини чет эл истилочиларига қарши қилиб қўйди.

Юқоридагилардан маълум бўладиги, Сурхон воҳасидаги оммавий қатағонларнинг биринчи босқичи 1916 йилда содир бўлган. Аммо ушбу китобда 1916 йилда Сурхон воҳасида қатағон қилинган ўзбек деҳқонлари ҳақида маълумот бера олмаймиз. Негаки, бу борадаги тадқиқотлар эндигина бошланган бўлиб, ҳали тўлиқ ўз ниҳоясига етган эмас. Ҳар ҳолда, яқин келажақда илмий изланишларимиз ўз самарасини беришига умид қилиб қоламиз.

1917 йил 25 октябрь (янги сана билан 7 ноябрь) куни Петрограддаги давлат тўнтаришидан сўнг Тошкент ва Термизда ҳам совет ҳокимияти ўрнатилди. Аммо совет мустамлакачиларининг зўравонлигини ҳис қил-

² Ўша манба. 77–78 бетлар.



ган ўлка аҳолиси совет тузумини қўллаб-қувватламади. Аксинча, Бухоро амирлиги қуроли кучларини такомиллаштириш бўйича бошланган ҳаракатларда фаол иштирок этди. Бекликларда қўшин тузиш, уларни тайёрлаш бўйича жиддий ишлар олиб борилди. Жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук бўлган кишиларга дарға, қоровулбеги, мирохур, тўқсабо, элбеги сингари унвонлар берилиб, янги тузилаётган қўшин бўлинмаларига бош қилиб қўйилди. Шеробод беклигида амирнинг энг сара қисмлари – мерганлар ва газарлар³ бўлинмалари ташкил этилди. Қўшин ўртасида тартиб-интизомни сақлаш, тинч аҳолини аскарлар томонидан талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик учун амир томонидан машҳур дин арбоблари – бойсунлик Саййид Тожиддинхон ва шерободлик Миён Сафиюллоҳга “ўроқхон” унвони берилди. Ўша даврда бу ҳарбий прокурор лавозими ва полковник унвонига тенг эди.

Гарчи мамлакат қуроли кучларини мустаҳкамлаш борасида кўп ишлар қилинган бўлса-да, амир қўшини сон ва сифат жиҳатдан Қизил Армиядан кўра анча орқада эди. Қолаверса, қўшинни тайёрлаш учун вақт ҳам етмади.

1920 йилда Бухоро амирлиги тугатилиб, жойларда Совет ҳокимияти ўрнатилгач, Сурхон воҳасида чет эл истилочиларига қарши кенг қўламли ҳаракатлар бошланиб кетди. Асосий жанговор ҳаракатлар 1920 йилнинг сентябрида бошланиб, 1926 йилнинг охирига қадар давом этди. Диндорлар аҳолини бу курашга ғоявий жиҳатдан сафарбар этдилар. Озодлик ҳаракатига дастлаб Абдулмўминбек, Миён Сафиюллоҳ, Олимбек, Хўжамшукур тўқсабо, Обид эшон халфа, Саид Аҳмадбек, Тўхтамишбеклар бошчилик қилишди. 1921 йилдан бошлаб Иброҳимбек, Ҳайитбек Бозор ўғли, Хуррамбек ва унинг акаси Ҳайитбек, Мустафоқулбек, Раҳмонбек, Раҳмонберди, Салом Калта, Соҳиб командир, Берди Додҳо, Ўтанбек, Қудратбек, Ғузор командир ва бошқалар тенгсиз жангларда қизил аскарларга

³ Газар – тутқич бермас, ғоят чаққон, илдам ҳаракатланадиган, ноёб ақлий ва жисмоний қобилиятларга эга, ўта махфий топшириқларни бажарадиган киши. Газарлар ўз ҳукмдорларига ўта садоқати билан ажралиб туришган. Ўлкада мустабид совет тузуми ўрнатилиши билан газар сўзи янги маъно касб этиб, тутқич бермас ўғри тушунчасини бера бошлаган. Қаранг: И.Умаров. Бадаш: тарих ва анъана. – Термиз: Сурхоннашр, 2018, 110-бет.



қақшатқич зарбалар беришди. Улар “Она юрт эрки учун!” шиори остида курашганлар.


Жиддий қаршиликка қарамай, Совет ҳукумати қўзғолонларни аёвсиз бостирди. Зеро, советлар мамлакат ичидаги ҳар қандай қўзғолонларни бостира оладиган ҳарбий кучга эга эди. Сурхон воҳасидаги оммавий қатағонларнинг иккинчи босқичи (1920–1925) бевосита миллий-озодлик ҳаракати иштирокчиларига қарши қаратилган бўлиб, уларни “босмачи” тамғаси остида қирғин қилиш авж олди. Бундан кейин, уларга ёрдам берганликда гумон қилинган ҳар қандай киши, ҳатто қишлоқ ҳам аёвсиз жазоланди. Қизил аскарлар Ғамхўр, Кишти, Термиз, Ванғозе, Полонзе, Бахчигаза ҳудудларида оммавий қирғин уюштиришди. Расмий маълумотларга кўра, фақат 1923 йил ноябридан 1925 йил бошига қадар Бухоро Республикаси ҳудудида миллий ҳаракат қатнашчиларидан 4961 киши ўлдирилди, 3307 киши асирликка олинди⁴.

1923 йил 22 апрелда Бухоро Компартияси кўрсатмаси билан Шеробод вилоятида умумий партия йиғилиши бўлди. Бунда “БКПнинг яқин кунлардаги вазифалари тўғрисида”ги кўрсатмасига биноан партия аъзолари ичида ниқобланган савдогарлар, амир хизматчилари ва найрангбозларни йўқотиш масаласи муҳокама қилинди. Бунинг натижаси ўлароқ, 1923 йилда касаба уюшмасини тозалаш баҳонасида Шеробод вилоятидаги 5-касаба уюшмасининг 996 аъзосидан 285 таси қамоққа олинди ва отиб ташланди. Бу билан туб аҳолининг кўзини кўрқитиш ва янги давлатнинг тартиб интизомини тан олдириш мажбурий равишда олиб борилди⁵.

Ғарб олимларининг фикрига кўра, большевикларнинг Туркистондаги қўзғолонларни бостириши моҳиятан “мустамлакачилик уруши” эди. Миллий кучларга қарши урушда ОГПУ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси) 10 йил давомида ўз махсус қўшинларининг каттагина қисмини жалб этишга мажбур бўлди. Унинг Шарқ бўлими асосий идорага

⁴ Хошимов С., Иминов Ж., Тураходжаев С. Политические репрессии в Узбекистане в 20-30-х годах XX века // Наука и современность, 2016. – С. 102, 104.

⁵ Турсунов С., Турсунов А., Тоғаева М. Шеробод тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Yangi nashr, 2014, 229–230-бетлар.



айланган эди. Ҳанузга қадар, бу уруш қурбонларининг сонини ҳатто тахминан айтиб бўлмайди⁶.

Архив ҳужжатларини ўрганиш шуни кўрсатдики, унча катта бўлмаган гуруҳлар 1931 йилнинг охиригача, кичикроқ, тарқоқ гуруҳлар эса 1935 йилга қадар қаршилик кўрсатганлар. Уларни амир амалдорлари, уламолар, йирик бойлар ва савдогарлар қўллаб-қувватлаганлар. Шу сабабдан озодлик ҳаракати иштирокчилари 1928 йилга қадар қўққисдан пайдо бўлиб қолар, қизил аскарлар уларни қўлга ололмай хуноби чиқар эди. Оқибатда совет давлати озодлик ҳаракатининг иқтисодий илдизини қирқиш мақсадида ер-сув ислохотлари ва жамоалаштириш сиёсатини ўтказишга киришди. Бу эса қатағонларнинг учинчи босқичи (1926–1936) бошланганлигидан далолат берар эди.

Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1925 йил 2 декабрдаги “Ер ва сувни национализация қилиш”, “Ер-сув ислохоти тўғрисида”ги декрети асосида жойларда даставвал “Қўшчи иттифоқлари” тузилиб, уларга ерсиз камбағал деҳқонлар уюша бошлади. Кўп ўтмай “Қўшчи иттифоқлари”га бирлашган камбағал деҳқонлар бой ҳамда ўрта ҳол деҳқонлардан тортиб олинган ерлар ҳисобига ўзларининг жамоа хўжаликларини ташкил эта бошладилар.

Ўтказилган ер-сув ислохоти давомида Тошкент, Фарғона, Самарқанд ҳамда Зарафшон вилоятларида 254.2 минг десятина ер жамғармаси ҳосил бўлган бўлса, бу ерларнинг 70 фоизи “бойлар” деб ҳисобланган ўрта ҳол деҳқонлардан тортиб олинган ерлар эди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ер-сув ислохоти бироз кейин, 1928–1929 йилларда амалга оширилди. Уни ўтказиш учун тайёргарлик 1927 йилдаёқ бошланган эди. Ниҳоят, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан 1928 йил 1 ноябрда 192-сонли “Йирик бойларнинг ердан меҳнатсиз фойдаланишини тугатиш тўғрисида” ги декрети қабул қилинди. Декретга асосан, Сурхондарё округида йирик бойларнинг 20 гектардан ортиқ суғориладиган ерлари ва лалми ерларнинг 45 гектарида ошиқчаси тортиб олинган бўлди. Шунингдек, уламолар, собиқ амир амалдорлари, бойлар,

⁶ Куртуа С., Верт Н., Панне Ж., Пачковский А., Бартошек К., Марголен Ж. Черная книга коммунизма. Преступления, террор, репрессии. – Москва: Три века истории, 2001, стр. 150.




савдогарлар ва судхўрларнинг ер-мулки миқдоридан қатъий назар, тугатишга қарор қилинди⁷.

Совет режими, айниқса, диндорларнинг аҳоли ўртасидаги таъсири-ни йўқотишга алоҳида эътибор қаратди. “Муфтий”, “мударрис”, “мулла”, “имом”, “хатиб”, “ноиб”, “эшон”, “миён”, “ўроқ”, “хўжа”, “ҳожиди”, “халфа” сингари номлар билан аталган дин вакиллари тушунилар эди. Улардан сўнг амир даврида хизмат қилган амалдорларнинг бутун мулкини тортиб олиш кўзда тутилди. Бу гуруҳга бекликлар ва амлоқдорликларда хизмат қилган “бек”, “бекча”, “амлоқдор”, “тўқсабо”, “қоровулбеги”, “мирохур”, “элбеги”, “дарға”, “ясовул”, “арбоб”, “амин”, “оқсоқол”, “саркор”, “закотчи”, “жевачи” каби унвонлар билан юритилган амалдорлар киритилди. Хуллас, диндорлар ва амир амалдорларига ҳеч қандай ён бермаслик мақсад қилиб қўйилган эди.

Сурхондарё вилоят давлат архивида илмий изланишлар натижасида аниқланган янги маълумотларга қараганда, совет режими ер-сув ислохотларини ўтказиш баҳонаси билан диндорлар, амир амалдорлари, йирик бойлар ва савдогарларнинг мол-мулкини мусодара қилиш, уларни барча ҳуқуқлардан маҳрум этиш, сургун қилиш ёки жисмонан йўқ қилишни кўзда тутувчи рўйхатлар тузган. Уларнинг ҳаммаси махфийлик тамғаси остида битилган эди. Эътиборли томони шундаки, совет тузуми бу одамларни ўзи учун хавфли билиб, уларни аниқлаш мақсадида қайта-қайта текшириш гуруҳларини юборган. Ҳар бир гуруҳ “совет тузумига ёт кишиларни” аниқлаш ишига “ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилиб”, олдинги гуруҳ топа олмаган хўжаликларни аниқлаб, умумий рўйхатга киритиб бораверган. Иш шу даражагача бориб етганки, айрим қишлоқларга ҳатто тўрттагача текширувчи гуруҳлар юборилган.

Рўйхатлар шакллантирилгач, ер-сув комиссияси томонидан тугатиладиган хўжаликнинг карточкаси тузилган. Унга тугатилувчи шахснинг оила аъзолари сони, ер-мулки, кўчмас мулклар, иш қуроллари, ҳайвонлари ва чорваси тўғрисидаги маълумотлар киритилган. Сўнггра хўжаликни тугатиш тўғрисидаги қарор чиқарилгач, бойнинг мол-мулкини мусодара қилинган.

⁷ Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 790-иш, 12-варақ.



1928 йилнинг 1 ноябидан 1929 йил январь охирига қадар ўтказилган ер-сув ислохотлари натижасида Сурхондарё округида расман 531 та йирик ер эгалари тугатилган. Бу жами хўжаликларнинг 1,22% эди. Мулкдорлардан 8995 гектар суғориладиган ер тортиб олинган⁸. Аммо янги тадқиқот натижалари ер-сув ислохотлари натижасида мулки тортиб олиниб, қатағон қилинганлар кишилар сони янада кўпроқ эканлигини кўрсатди. Жумладан, Паттакесар туманида (ҳозирги Термиз ва Музрабод) 171 хўжалик, Жарқўрғон туманида (ҳозирги Ангор, Жарқўрғон, Қумқўрғон) 168 хўжалик, Шеробод туманида (ҳозирги Шеробод, Қизирик) 245 хўжалик, Бойсун туманида (ҳозирги Бойсун ва Бандихон) 118 хўжалик, Денов туманида (ҳозирги Денов, Олтинсой, Шўрчи) 496 хўжалик, Сариосиё туманида (ҳозирги Сариосиё ва Узун) 176 хўжалик, вилоят бўйича жами 1374та собиқ амир амалдорлари, диндорлар ва бой хўжаликлар тугатилган, уларнинг эгалари қатағон қилинган. Қатағон қилинган 621 оилада 4642 киши яшаши, 68 киши чет элга кетганлиги аниқланди. Фақат совет тузумига хизмат қилган саноқли бойларга оиласи катта бўлгани сабаб имтиёз берилиб, мол-мулкининг озроқ қисми қолдирилган. Улар ҳам 1930–1933 йилларда “қулоқ” сифатида тугатиб юборилган. Ачинарли томони, тугатилган хўжаликларнинг ярмидан кўпроғига ҳужжат қилинмаган. Демак, 1928–1929 йилларда жабр чеккан юртдошларимизнинг ҳам сони расмий кўрсаткичлардан 2,5 барабар ортиқ бўлган, дейиш мумкин. Бу ислохотни ўтказар экан, совет ҳукумати бир томондан истиқлолчиларни моддий жиҳатдан таъминлаб турган кучларни йўқотиш, иккинчи томондан, келгусида ялпи жамоалаштиришни ўтказишни режалаштирган эди. Большевикларнинг режаси ўз натижасини берди. Ўлкада озодлик ҳаракати тўлқини пасайди. Қизил аскарларга уюштирилаётган ҳужумлар сони ҳам камайди.

Диндорлар, амир амалдорлари, йирик ва ўрта ҳол ер эгаларининг бор бисоти тортиб олингани билан ўз ҳолига қўйилмади. Кўпчилиги сургун қилинди. ОГПУ ходимлари қишлоқ, шаҳар ва посёлкалардаги бойларни тунлари уйларида ушлаб келар, сўроқ давомида улардан асосан бойликлари талаб қилинар эди. Натижа бўлавермагач, суткалаб оч-

⁸ Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 790-иш, 13–15-варақлар.




наҳор қамоқда сақланар, вақти-вақти билан яна сўроқ қилинар, жисмоний тазйиқ ўтказилар, баъзан бу ҳол тутқунларнинг ўлими билан тугар эди. Қатағон қилинувчи кишилар сон жиҳатдан кўпайгач, маҳбусларни сўроқ қилиш учун терговчиларнинг етишмаслик ҳолатларига дуч келинди. Бундай вақтларда округ ва туман ижроия қўмиталари томонидан берилган рўйхат асосида синфий душман деб эълон қилинган шахслар ва уларнинг оила аъзолари қамоққа олинар, кўпинча уларга иш (дело) ҳам тутилмас эди. Тазйиқ шу даражага бориб етдики, исталган вақтда гумон қилинган киши қамоққа олинар, баъзида маҳкамага олиб келингунга қадар йўлда отиб ташланар эди.

Ер-сув ислохотларини ўтказиш жараёнида синфий кураш авж олдирилиб, кўпгина деҳқонларга тортиб олинган ерлар бўлиб берилди. Аммо уларнинг асосий қисми ерни мустақил ишлатиш тажрибасига эга эмас, имкониятлари ҳам чегараланган эди. Шу боис 1929 йилда Сурхондарё округида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашда жиддий қийинчиликларга дуч келинди. Юзага келган шароитда совет режими жамоалаштириш сиёсатини юритиб, қишлоқда яна бир синфий душман – “қулоқ”ларга қарши кураш бошлади.

Совет режими 1925 йилдан кенг кўламли индустриализация (саноатлаштириш) сиёсатини ўтказа бошлаганидан сўнг, маблағ етишмовчилигига дуч келинди. Сабаби, янги асбоб-ускуналар ва техника сотиб олиш учун пул керак эди. Чет давлатлардан қарз олишнинг иложи йўқлиги боис ички имкониятларга таянилди. Четга қимматбаҳо буюмлар, рангли металллар, ғалла, ёғоч, кўмир ва бошқа стратегик хом ашёлар, ҳатто музей экспонатларини сотиш эвазига саноат учун керак бўлган техникалар олиб келинди. Шундай вазиятда 1927 йилнинг декабрида ВКП(б) XV съезди бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалигини ялпи жамоалаштиришга қарор қилинди.

Албатта деҳқонлар ўз ихтиёрлари билан колхозларга аъзо бўлишмаган. “Қулоқ”ларни иқтисодий жиҳатдан синдириш учун жуда катта миқдорда заёмлар солинган. Ғаллага давлат харид нархлари пасайтирилиб, солиқлар миқдори кескин оширилган. Оқибатда деҳқонлар бозорга ғалла чиқармай қўйишди. 1928–1929 йилларда бутун мамлакатда ғалла



тақчиллиги юз берди. Ғаллани тортиб олиш учун махсус отрядлар юборилди. Кўп жойларда “қулоқ” исёнлари содир бўлди. “Қулоқ” қаршилигини бостириш учун большевиклар партияси оммавий террор сиёсатини юрита бошлади.

Қулоқлаштириш кўлами, айниқса, 1930 йилга келиб жадал тус олди. ВКП(б) МҚ Сиёсий бюросининг “Ёппасига жамоалаштириш, районларда қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг 1930 йил 26 январдаги “қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлари тўғрисида”ги кўрсатмалари асосида Ўзбекистон Компартияси МҚ 1930 йил 17 февралда “Коллективлаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида”ги қарорни қабул қилган эди. Ўзбекистонда қулоқ хўжаликларини тугатиш кампанияси шу қарордан сўнг авж олди.

1930 йил охирларида улкан ваколатлар берилган ОГПУ қошида ГУЛАГ қамоқхона ва меҳнат тузатиш лагерлари тизими шакллантирилди⁹. Мазкур жараёнда, қисқа вақт ичида Ўзбекистонда 17та махсус қулоқ посёлкалари ташкил этилди¹⁰. Бундай манзилгоҳлар расман Меҳнат тузатиш посёлкалари, баъзан “қулоқ” лагерлари деб ҳам аталар эди. Ана шундай посёлкалардан тўрттаси Сурхондарё округининг янги ўзлаштирилган пахтакор районларида барпо этилди. Бундан ташқари, Сариосиёдаги 17-сонли боғдорчилик совхози ва Термиз туманидаги Гарм колхози аъзолари ҳам асосан сургун қилинганлар ҳисобига тўлдирилди. Архив маълумотларига кўра, 1941 йил 1 июль ҳолати бўйича Сурхон совхозида 6908 киши, Қумқўрғонда 6800 киши, Оққапчиғайда 3444 киши, Ҳазарбоғда 10502 киши, вилоят бўйича жами 27654 нафар қулоқ қилинганлар яшаши аниқланди¹¹. Уларга “қулоқлар”, амир амалдорлари, диндорлар, миллий зиёлилар оила аъзолари билан бирга сургун қилинганлар. Биргина Сариосиё туманида 526 хўжалик қулоқ қилинган бўлиб, шундан 192 кишининг исми аниқланди, холос.

⁹ Каримов Н. «Катта қирғин» нинг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари. – Тошкент: Фан, 2013, 49-бет.

¹⁰ Ирзаев Б. «Катта қирғин»нинг келиб чиқиши арафасидаги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий шароит. – Тошкент: Фан, 2014, 18-бет.


¹¹ Шеробод туман давлат архиви, С 42-фонд, 1-рўйхат, 363-иш, 252-варақ.



Оммавий қатағонларнинг энг даҳшатлиси, шубҳасиз, 1937–1938 йиллардаги “катта қирғин” ҳисобланади. “Катта қирғин”га большевиклар партияси арбоблари ўртасидаги ҳокимият учун курашлари сабаб бўлди. Айниқса, 1937 йил 30 июлда НКВД комиссари Н.Ежовнинг “Собиқ “қулоқлар”, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементларни қатағон қилиш бўйича операция тўғрисида”ги 00447-сонли мутлақо махфий оператив буйруғидан сўнг “катта қирғин” ўзининг чўққисига чиқади. Унда илгари репрессия қилинган диндорлар, советларга қарши бўлган собиқ кучлар ва бошқаларни тубдан йўқ қилиш мақсад қилиб қўйилган эди.

Шу тариқа, Сурхон воҳасида ялпи террорнинг тўртинчи босқичи (1937–1938) бошланди. “Катта қирғин”нинг алоҳида хусусияти шундан иборат бўлдики, унда маҳбуслар ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари, Ўзбекистон ХКС Раиси, ЎзССР прокурори, ЎзССР НКВД Давлат хавфсизлик бошқармасининг 8-бўлим бошлиғидан иборат бўлган “Учлик” йиғилиши қарори билан жазоланганлар. “Учлик”нинг расмийлаштирилган баённомаларига қараб бир кунда юзлаб, ҳатто минглаб юртдошларимизнинг ҳеч қандай суд-сўроқсиз отувга ёки турли муддатларга қамоқ жазоларига ҳукм қилинганлигига гувоҳ бўламиз.

“Катта қирғин” вақтида қатағон қилинганлар орасида олимлар, зиёлилар, хўжалик ходимлари, техниклар, муҳандисларнинг ниҳоят даражада кўплиги мамлакатда кадрларнинг ўткир етишмовчилигига сабаб бўлди. Натижада, ишлаб чиқаришда пасайиш кузатилди. “Катта қирғин”нинг охир-оқибат давлат учун ҳалокатли бўлишини яхши тушунган И.Сталин 1938 йилнинг 24 ноябрида Н.Ежовни ишдан олиб, ўрнига Л.Берияни қўйишга мажбур бўлди. Сталиннинг буйруғи билан “катта қирғин” тўхтатилди. “Учлик” судлари бекор қилиниб, ишлар жиний судларга ошириладиган бўлди. Иши судда кўрилмаган маҳбуслар озодликка чиқарилди. “Катта қирғин”да фаоллик кўрсатган НКВД ходимлари ва маҳаллий партия арбоблари қамоққа олиниб, судга берилди. Бу билан Сталин, биринчидан, ўзининг сиёсий душманларидан қутулган бўлса, иккинчи томондан, террор вақтида халққа жуда кўп зулм қилган партия, давлат ва НКВД ходимларини жазолатиб, ўз обрўйини янада мустаҳкамлаб олди.



Қатағон сиёсатининг бешинчи босқичи 1940–1950 йилларни ўз ичига олади. Унинг олдинги қатағонлардан фарқли томони, кўлами нисбатан кичик бўлганлигида эди. Бу даврда асосан меҳнат мажбуриятини бажармаган, муллагил қилган, иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда мафкуравий жиҳатдан бироз четга чиққанлар қамоққа олинган. Фақат Сталин ўлимидан кейингина оммавий қатағонлар маълум муддат тўхтаб қолди.

Сурхон воҳаси учун оммавий террорнинг олтинчи босқичи 1983 йилдан бошланди. Бу тарихга “пахта иши” ва “ўзбек иши” номлари билан кирган сиёсий жараён ҳисобланади. Минг-минглаб воҳадошларимиз “пахта иши” бўйича қамоққа олиндилар ва турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар. Ушбу китобимизда мазкур ишлар юзасидан жиноий жавобгарликка тортилган бир гуруҳ юртдошларимиз ҳақида ҳам маълумот берилади.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида қатағон қурбонлари хотирасини тиклаш мақсадида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлда “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидоийлар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майда “Қатағон қурбонларни ёд этиш кўнини белгилаш тўғрисида”ги фармойиши қатағон этилган юртдошлар тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этди. Қатағон қилинган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахтдаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида Қатағон қурбонлар хотираси давлат музейи ташкил этилди.


Ушбу хотира китобида мустабид режим томонидан қатағон қилинган ёки чет элга кетиб қолган 3204 нафар, шу жумладан, 1917–1924 йилларда совет босқинига қарши курашган 50 нафар, 1925–1936 йилларда қатағон қилинган 2114 нафар, 1937–1938 йилларда турли муддатларга қамалган ёки отувга ҳукм қилинган 912 нафар, 1940–1950 йилларда жазоланган 59 нафар, 1983–1991 йилларда “пахта иши” ва “ўзбек иши” бўйича жиноий жавобгарликка тортилган 69 нафар юртдошимиз ҳақида маълумот берилади. Аммо бу билан иш тўхтаб қолмайди. Хотира китоби-



нинг кейинги жилдларида қатағон қилинган бошқа воҳадошларимиз тўғрисида маълумот бериш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Албатта, Хотира китобини тайёрлашда муайян қийинчиликларга дуч келинди. Бу авваламбор маълумотларнинг рус тилида бўлганлиги, яъни жой номлари ва қатағон бўлган кишиларнинг исми-шарифидаги нуқсонлар, ишларнинг турли жойлардан олинганлиги, бундай кўламдаги ишнинг илк маротоба бажарилаётганлиги билан изоҳланади. Қолаверса, 1920–1930 йилларда архивларда тилга олинган қишлоқларнинг кейинги йилларда у ёки бу туманлар ҳудудига ўтганлиги, оммавий кўчирилишлар туфайли айрим қишлоқ номларининг унутилганлиги ҳам маълум чалкашликларни келтириб чиқаради. Шу боис китобхонларда англашилмовчилик юзага келмаслиги учун архив ҳужжатлари бўйича қишлоқлар қайси туманга кўрсатилган бўлса, шундайлигича қолдириш лозим топилди. Бунинг учун биз сиз азиз китобхонлардан олдиндан узр сўраб қоламиз.

т.ф.н., доц. А.Қ.Тўхтаев,
т.ф.ф.д. А.А.Боқиев
Термиз давлат университети
Тарих факультети ўқитувчиси





ҚИСКАРТМА СЎЗЛАР


ГУЛАГ	– Главное Управление исправительно-трудовых лагерей	– Меҳнат тузатиш лагерлари бош бошқармаси
ДХБ	– Давлат хавфсизлиги бошқармаси	
ДХМ	– Давлат хавфсизлиги министрлиги	
ЖК	– Жинойт кодекси	
ИИВ	– Ички ишлар вазирлиги	
КП МК	– Коммунистик партия Марказий комитети	
Колхоз	– Коллективное хозяйство	– Жамоа хўжалиги
ЛКСМ	– Ленинский коммунистический союз молодежи	– Ленинча коммунистик ёшлар иттифоқи
МИҚ	– Марказий ижроия қўмитаси	
МТЛ	– Меҳнат тузатиш лагери	
НКВД	– Народный комиссариат внутренних дел	– Ички ишлар халқ комиссарилиги
ОГПУ	– Объединённое государственное политическое управление	– Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси
РИК	– Районный исполнительный комитет	– Туман ижроия қўмитаси



РСФСР	–	Российская Советская Федеративная Социалистическая Республика	– Россия Совет Социалистик Федератив Республикаси
Совхоз	–	Советское хозяйство	– Давлат хўжалиги
СССР	–	Союз Советских Социалистических Республик	– Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи
ТАССР	–	Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси	
ЎзССР	–	Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси	
УНКВД	–	Управление Народного комиссариата внутренних дел	– Ички ишлар халқ комиссарлиги бошқармаси
ХКС	–	Халқ комиссарлари совети	
ЧК	–	Чрезвычайная комиссия	– Фавкулудда комиссия







СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ КУРАШ ҚУРБОНЛАРИ

(1917–1924 йиллар)

А

АБДУЛМЎМИНБЕК Қулмўмин ўғли – 1875 йилда Шеробод туманидаги Хатак қишлоғида туғилган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1921 йил 7 январда вафот этган.

АЗАМАТ Газар – Шеробод туманидаги Хомкон қишлоғида туғилган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1921 йил 7 январда вафот этган.

АЛЛАБЕРДИЕВ Бойтемир – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

АЛЛАБЕРДИЕВ Каноббой – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

АЛЛАБЕРДИЕВ мулла Шоим – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

АНСАПОЕВ Жума – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

АСАДУЛЛАБЕК мулла Хидир тўқсабо ўғли – 1890 йилда Кофинхон дарёси ҳавзасидаги Тошмачит қишлоғида туғилган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1925 йилда вафот этган.

АСТАНАҚУЛОВ Давлат – Денов туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1925 йилда миллий озодлик ҳаракати вакилларида ёрдам берганлиги учун қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АҲМАД Тўхтамишбек – Шеробод туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1928 йилда мол-мулки мусодара этилган.



Б

БЕКПЎЛАТОВ Эшмирза – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

БОБО тўқсабо – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1925 йилда вафот этган.

БОБОХОН Эшон – Бойсунлик машҳур дин арбоби бўлган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йил мартда қизил аскарлар томонидан судсиз олий жазога ҳукм қилинган.

БОЗОРБОЙ ўғли Ҳайитали (Ҳайитбек қўрбоши) – 1901 йилда Шўрчи туманидаги Толли қишлоғида туғилган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1926 йил 8 мартда олий жазога ҳукм қилинган.


БОТИР мерган Эрдонақул ҳожи ўғли – 1893 йилда Шеробод туманидаги Хомкон қишлоғида туғилган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1933 йилда вафот этган.

БЎТАЁРОВ Норқўчқор – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

Ж

ЖУМА Газар – Шеробод туманидаги Хомкон қишлоғида туғилган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1926 йилнинг баҳорида вафот этган.

ЖЎРАЕВ Эшмўмин – 1878 йилда Жарқўрғон туманидаги Гаранг-тўқай қишлоғида туғилган. Қишлоқ оқсоқоли бўлган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1920 йилда олий жазога ҳукм қилинган.



З

ЗИЁҚУЛОВ Қувонли – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

И

ИБРОҲИМБЕК Чақабой ўғли – 1889 йилда Кофинихон дарёси ҳавзасидаги Тошмачит қишлоғида туғилган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1932 йил август ойида олий жазога ҳукм қилинган. 2021 йил 25 август куни оқланган.

ИРМАРОВ Алимқул – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

К

КАРИМОВ Маҳмуд – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

М

МАХСУМОВ мулла Абдулазим – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1926 йилда Афғонистонга кетишга мажбур бўлган.

МИЁН Сафиуллоҳ Ўроқхон – 1871 йилда Шеробод туманидаги Хўжанқон қишлоғида туғилган. Имом бўлган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1921 йил 7 январда вафот этган.

МУЛЛА Қурбон – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.



МУЛЛА Болта мулла Қора ўғли – Бойсун беклигининг Қўктепа қишлоғида туғилган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1921 йил 5 январда олий жазога ҳукм қилинган.

МУЛЛА Ҳазратқул (Бўрибойвачча) мулла Қораўғли – Бойсун беклиги Қўктепа қишлоғида туғилган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1921 йил 5 январда олий жазога ҳукм қилинган.

МУҲАММАДОВ мулла Мингин – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

МУҚИМБЕК мерган Чори ҳожи ўғли – 1895 йилда Шеробод тумани Хатак қишлоғида туғилган. Шеробод мудофааси иштирокчиси бўлган. 1921 йил 7 январда вафот этган.

Н

НАЗАР жевачи – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1925 йилда вафот этган.

О


ОМОНОВ Тангриқул – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

П

ПОЛВОНОВ Эргаш – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1925 йилда вафот этган.

Р

РАҲМАТОВ Қўзиали – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.



С

САЛОМ Калта Аллаш тўқсабо – Бойсун туманидаги Работ қишлоғида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1925 йил 30 декабрда вафот этган.

САТТОРОВ Мустафокул – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

Т

ТЎРАҚУЛОВ Шоҳимардон – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

ТУРСУНПЎЛАТОВ Ашурбой – Бойсун туманида яшаган. 1920 йил кузидан қизил босқинчиларга қарши кураш олиб борган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

Х

ХЎЖАМБЕРДИЕВ Бойтўра – 1894 йилда Бойсун туманида туғилган. Дехқон бўлган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

ХЎЖАМБЕРДИЕВ Равшан – Бойсун туманида яшаган. 1920 йил кузидан қизил босқинчиларга қарши кураш олиб борган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

ХЎЖАМШУКУР тўқсабо мулла Қора ўғли – 1880 йилда Бойсун туманидаги Кўктепа қишлоғида туғилган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1921 йил 5 январда олий жазога ҳукм қилинган.

ХЎЖА Назар – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1925 йилда вафот этган.



Ш

ШОПЎЛАТОВ мулла Тўлаган – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

ШУКУРОВ Сиддиқ – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

Э

ЭРГАШЕВ Ўтанбек – 1900 йилда Жарқўрғон тумани Аҳмадкўл қишлоғида туғилган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1957 йил 27 августда вафот этган.

ЭШОНИ Судур Ўроқхон Саййид Тождиддинхон – Бойсунлик машҳур дин арбоби, нақшбандия тариқати пири бўлган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йил январда олий жазога ҳукм қилинган.

Ю


ЮСУПОВ Айюб – 1887 йилда Сариосиё тумани, Хонжиза қишлоғида туғилган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1925 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

Қ

ҚОРА Али полвон – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1925 йилда вафот этган.

ҚУРБОНБОВ Зиякул – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.

ҚЎЧҚОРОВ Чорибой – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.




Ғ

ҒОЗИЙМУРОДОВ Ҳаким – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.


Ҳ

ҲУСАИНОВ Сураат – Бойсун туманида яшаган. Қизил армия қисмларига қарши кураш олиб борганликда айбланган. 1924 йилда олий жазога ҳукм қилинган.



**ТУРЛИ СИЁСІЙ АЙБЛОВЛАР
ВА “ҚУЛОҚ”ЛАШТИРИШ
ҚУРБОНЛАРИ**

(1925–1936 йиллар)



А

АБАЕВ Раҳим – Термиз туманида яшаган. 1928 йилда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган.

АБДИ Элназар – Денов туманидаги Хайрабод қишлоғида яшаган. 1928 йилда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган.

АБДИЕВ – Шеробод туманидаги Кампиртепа қишлоғида яшаган. 1927 йилда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган.

АБДИЕВ Мўмин – 1871 йилда Сариосиё туманидаги Телегуш қишлоғида туғилган. Колхозда ҳисобчи бўлган. 1931 йил 17 майда қамоққа олинган. Аксининқилобий фаолиятда айбланган. 1990 йил 24 декабрда оқланган.

АБДИЕВ Хўжамберди – Денов тумани, Шўрчи қишлоқ кенгашидаги Чимилдиқ қишлоғида яшаган. 1928 йилда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган.

АБДИЕВ Ҳайдар ҳожи – Денов тумани, Жиндибулоқ қишлоқ кенгашидаги Бахшиттепа қишлоғида яшаган. Аксининқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУВОҲИД Муҳаммад Содиқ – Денов туманидаги Хидиршо қишлоғида яшаган. Имом бўлган. Аксининқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУВОҲИДОВ Абдураҳмон – Жарқўрғон тумани, Қумқўрғон қишлоқ кенгашидаги Карсакли қишлоғида яшаган. Имом бўлган. Аксининқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУВОҲИДОВ Саид Тоқи – Жарқўрғон тумани, Қумқўрғон қишлоқ кенгашидаги Қайрағочли қишлоғида яшаган. Имом бўлган. Аксининқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУҒАФУРОВ Ҳасан – Шеробод туманида туғилган. Аксининқилобий фаолиятда айбланган. 1927 йилда Деновда фаолият юритган артеллардан бирига мажбуран ишлашга ҳукм қилинган.



АБДУҒАФФОРОВ мулла Усмон – Термиз туманида яшаган. Аксил-инқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУҒАФФОРОВ Муса – Жарқўрғон туманидаги Жалойир қишлоғи-да яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУҒАФФОРОВ Муҳаммадамин – Жарқўрғон туманидаги Минор қишлоғида яшаган. 1929 йилда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қу-лоқ” қилинган.

АБДУЖАББОР Эшон – Жарқўрғон туманидаги Минор қишлоғида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қи-линган.

АБДУЗОИР тўқсабо – Шеробод туманидаги Ғамбур қишлоқ кенга-шида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1929 йилда сур-гун қилинган.


АБДУЗОИРОВ мулла Бўри – Бойсун туманидаги Пасурхи қишлоғи-да яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУКАРИМОВ Мажид – Шеробод туманидаги Таллашқон қиш-лоғида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сур-гун қилинган.

АБДУҚОДИРОВ Бекмирза – Жарқўрғон туманидаги Хўжамулки қишлоғида яшаган. 1928 йилда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қу-лоқ” қилинган.

АБДУҚОСИМОВ Маҳмадқосим – Бойсун туманидаги Пасурхи қиш-лоғида яшаган. 1930 йил январда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган.

АБДУЛАКАЕВ Абдулла – 1900 йилда Сариосиё туманида туғилган. Деҳқон бўлган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1930 йилда ЎзССР НКВДнинг Денов тумани, Ҳазарбоғ пахтачилик совхозидagi 1-сонли Меҳнат тузатиш посёлкасига сургун қилинган. 1940 йил 22 августда озод этилган.



АБДУЛАСИМОВ Мустафо – Денов туманида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУЛЛА Ғаффорбой – Денов туманидаги Файзобод қишлоғида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУЛЛА Қобил – Сариосиё туманидаги Тортувли қишлоғида яшаган. 1933 йилда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган.

АБДУЛЛА мулла – Денов туманидаги Файзобод қишлоғида яшаган. Имом бўлган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУЛЛА Хатиб ўғли – Денов туманидаги Қорақўз қишлоғида яшаган. 1928 йилда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган.

АБДУЛЛА Шомуродбой – Денов тумани, Денов қишлоқ кенгашидаги Саримозор қишлоғида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУЛЛАЕВ Абдурахмон – Сариосиё туманидаги Дашнобод қишлоғида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУЛЛАЕВ Аъзам – 1903 йилда Бойсун туманидаги Оқтош қишлоғида туғилган. Колхоз аъзоси бўлган. 1931 йил 1 июлда қамоққа олинган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1991 йил 20 январда оқланган.

АБДУЛЛАЕВ Аълохон – Бойсун туманидаги Тўда қишлоғида яшаган. Эшон бўлган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУЛЛАЕВ Жамолiddин – 1859 йилда туғилган. 1930 йилда қамоққа олинган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1991 йил 31 июлда оқланган.

АБДУЛЛАЕВ Қорақўз Махсум – Денов тумани, Шўрчи қишлоқ кенгашидаги Чимилдиқ қишлоғида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.



АБДУЛЛАЕВ Мамадвали – Денов туманидаги Ипок қишлоғида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУЛЛАЕВ Мамажон – Сариосиё туманидаги Узун қишлоқ кенгашида яшаган. 1932 йилда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган.

АБДУЛЛАЕВ Мамаражаб – 1891 йилда Шўрчи туманидаги Бўғати қишлоғида туғилган. Деҳқон бўлган. 1931 йил 17 декабрда қамоққа олинган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1989 йил 28 июнда оқланган.

АБДУЛЛАЕВ Маматвали – Денов туманидаги Ипок қишлоғида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУЛЛАЕВ мулла Ражаб – Жарқўрғон туманидаги Жарқўрғон қишлоғида яшаган. Имом бўлган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУЛЛАЕВ мулла Шоймурод – Денов туманидаги Оқтумшуқ қишлоғида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.


АБДУЛЛАЕВ Нормат – Денов туманидаги Қоровултепа қишлоғида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУЛЛАЕВ Саидхон – Бойсун туманидаги Шаит қишлоғида яшаган. Имом бўлган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУЛЛАЕВ Сафархўжа – Бойсун тумани, Шаит қишлоқ кенгашидаги Хўжа қишлоғида яшаган. Имом бўлган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУЛЛАЕВ Ҳожи – 1897 йилда Бойсун туманида туғилган. Деҳқон бўлган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1927 йил ноябрда 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУЛЛАХОН Эшон – Шеробод туманидаги Ғамбур қишлоғида яшаган. Имом бўлган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1929 йилда сургун қилинган.



АБДУЛЛАХОНОВ Аллаxон – 1896 йилда Бойсун туманидаги Тўда қишлоғида туғилган. Имом бўлган. 1929 йил 21 октябрда қамоққа олинган. Ақсилқиллобий фаолиятда айбланган. 1989 йил 29 мартда оқланган.

АБДУЛХАЕВ Раҳмон – 1870 йилда Сариосиё туманидаги Дашнобод қишлоғида туғилган. Деҳқон бўлган. 1930 йил 13 ноябрда қамоққа олинган. Ақсилқиллобий фаолиятда айбланган. 1991 йил 24 апрелда оқланган.

АБДУМЎМИН Абдурахмон – Денов тумани, Катта Қарши қишлоқ кенгашидаги Шайтон қишлоғида яшаган. Ақсилқиллобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУМЎМИН Бобошер – Денов тумани, Култепа қишлоқ кенгашидаги Совур қишлоғида яшаган. Ақсилқиллобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУМЎМИН Шомурод – Денов тумани, Хайрабод қишлоқ кенгашидаги Бўгажили қишлоғида яшаган. Ақсилқиллобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУМУМИНОВ Ишмурат – 1904 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган. 1931 йилда давлатга қарши қуролли қаршилик қилиш ҳаракатларида иштирок этишда айбланиб, 5 йил муддатга сургун қилинган. 2022 йил 19 декабрда оқланган.

АБДУМЎМИНОВ Мамат – Денов туманида туғилган. Ақсилқиллобий фаолиятда айбланган. 1926 йилда қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУМЎМИНОВ Шоймардон – Сариосиё тумани, Телпакчинор қишлоқ кенгашида яшаган. Хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган.

АБДУНАЗАРОВ Турди – 1876 йилда Шеробод туманидаги Ғўрин қишлоғида туғилган. Деҳқон бўлган. 1930 йил 13 ноябрда қамоққа олинган. Ақсилқиллобий фаолиятда айбланган. 1991 йил 29 августда оқланган.

АБДУРАИМ Жангар ўғли – Денов тумани, Хайрабод қишлоқ кенгашидаги Бўгажили қишлоғида яшаган. Ақсилқиллобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.



АБДУРАИМ Мирзо – Денов туманидаги Оқтумшуқ қишлоғида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУРАИМОВ Алимардон – Денов туманидаги Бешкапа қишлоғида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУРАИМОВА Ўриной – 1893 йилда Сариосиё туманидаги Бойбургут қишлоғида туғилган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1931 йилда сургун қилинган. 1952 йил 19 февралда сургундан озод этилган.

АБДУРАСУЛ Мусабой ўғли – 1888 йилда Ангор туманидаги Таллимарон қишлоғида туғилган. Имом бўлган. 1931 йил 22 январда қамоққа олинган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. Мол-мулклари мусодара қилинган.


АБДУРАСУЛЕВ Бегимқул – 1886 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган. 1931 йилда давлатга қарши қуроли қаршилик қилиш ҳаракатларида иштирок этишда айбланиб, 10 йил муддатга сургун қилинган. 2022 йил 19 декабрда оқланган.

АБДУРАСУЛЕВ Жума – 1901 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган. 1931 йилда давлатга қарши қуроли қаршилик қилиш ҳаракатларида иштирок этишда айбланиб, 5 йил муддатга сургун қилинган. 2022 йил 19 декабрда оқланган.

АБДУРАСУЛЕВ Мулла Тойир – 1886 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган. 1931 йилда давлатга қарши қуроли қаршилик қилиш ҳаракатларида иштирок этишда айбланиб, 5 йил муддатга сургун қилинган. 2022 йил 19 декабрда оқланган.

АБДУРАСУЛОВ Имом – 1890 йилда Денов туманида туғилган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1930 йилда Ҳазарбоғдаги Меҳнат тузатиш посёлкасига сургун қилинган. 1949 йил 20 августда озод қилинган.

АБДУРАСУЛОВА Қирмиз – 1887 йилда Денов туманида туғилган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1930 йилда Ҳазарбоғдаги Меҳнат тузатиш посёлкасига сургун қилинган. 1949 йил 20 августда озод қилинган.



АБДУРАХИМ Одина – Сариосиё тумани, Сангардак қишлоғида яшаган. 1933 йилда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган.

АБДУРАХМОН оқсоқол – Денов туманидаги Файзобод қишлоғида яшаган. Акселинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУРАХМОН Улуғ – Денов туманидаги Қораарик қишлоғида яшаган. Акселинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУРАХМОН Хўжа – Сариосиё тумани, Заҳнобод қишлоғида яшаган. Эшон бўлган. Акселинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУРАХМОНҚУЛОВ – Шеробод туманидаги Зарабоғ қишлоғида яшаган. Акселинқилобий фаолиятда айбланган. 1929 йилда сургун қилинган.

АБДУРАХМОНОВ Қобил – Термиз туманидаги Болдир қишлоғида яшаган. Эшон бўлган. Акселинқилобий фаолиятда айбланган. 1929 йилда сургун қилинган.

АБДУРАХМОНОВ Қодир – Шеробод туманидаги Ғўрин қишлоқ кенгашида яшаган. Акселинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУРАХМОНОВ Наврўз (Наврўзов Абдурахмон) – 1912 йилда Денов туманидаги Мирзақўл қишлоғида туғилган. Акселинқилобий фаолиятда айбланган. Ҳазарбоғдаги Меҳнат тузатиш посёлкасида сургун қилинган.

АБДУРАХМОНОВ Саттор Шаймуродович – 1931 йилда Денов туманида туғилган. 1931 йилда Андижон вилояти, Жалақудуқ туманидаги 9-сонли совхозга хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган. 1952 йил 31 мартда озодликка чиқарилган.

АБДУРАХМОНОВ Турсунхон – Сариосиё тумани, Узун қишлоғида яшаган. 1932 йилда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган.



АБДУРАХМОНОВ Улуғберди – Денов тумани, Миришкор қишлоқ кенгашидаги Қораариқ қишлоғида яшаган. 1928 йилда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган.

АБДУРАХМОНОВ Эшмуҳаммад – Сариосиё туманидаги Бойбўри қишлоғида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУРАХМОНОВА Мунаввар – 1890 йилда Шўрчи туманида туғилган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1931 йилда Ҳазарбоғдаги Меҳнат тузатиш посёлкасида сургун қилинган. 1952 йил 19 февралда озод этилган.

АБДУРАХМОНХЎЖАЕВ мулла – Бойсун тумани, Сариосиё қишлоғида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУРАШИДОВ Ҳайдар оқсоқол – Денов туманидаги Бахшитепа қишлоғида яшаган. 1928 йилда амир амалдори – қоровулбеги бўлгани учун хўжалиги тугатилган ва сургун қилинган.


АБДУРОЗИҚ Собир – Денов туманидаги Денов қишлоғида яшаган. 1928 йилда амир амалдори бўлгани учун хўжалиги тугатилган ва сургун қилинган.

АБДУСАИДОВ Амирхўжа – Жарқўрғон тумани, Жалоир қишлоқ кенгашидаги Карвонтушди қишлоғида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУСАМАДОВ Абдужалил – Сариосиё туманидаги Хуфор қишлоғида яшаган. 1930 йилда қулоқ қилинган.

АБДУСАМАДОВ Одил – 1896 йилда Шеробод туманидаги Кампиртепа қишлоғида туғилган. Имом бўлган. 1932 йил 10 февралда қамоққа олинган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1989 йил 28 июнда оқланган.

АБДУСАМАДОВ Хўжамқул – Шеробод тумани, Хатак қишлоқ кенгашидаги Лайлаган қишлоғида яшаган. Аксилинқилобий фаолиятда айбланган. 1929 йилда сургун қилинган.



АБДУСАМАДОВА Назира – 1899 йилда Сариосиё туманидаги Ҳаким қишлоғида туғилган. Аксилінқилобий фаолиятда айбланган. 1931 йилда посёлкага сургун қилинган.

АБДУХАЛИЛ Исҳоқ – Денов туманида яшаган. Аксилінқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУХАЛИЛ қоровулбеги – Сариосиё туманида яшаган. Аксилінқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУҲАЕВ Абдурахмон – Сариосиё туманида яшаган. Аксилінқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУШАРАПОВ Амрабек – Термиз туманида яшаган. Аксилінқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБДУШУКУР Ҳолиқ – Сариосиё туманидаги Дуоба қишлоғида яшаган. 1934 йилда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган.

АБДУШУКУРОВ Абдурахмон – 1886 йилда Сариосиё туманидаги Саман қишлоғида туғилган. Деҳқон бўлган. 1931 йил 25 декабрда қамоққа олинган. Аксилінқилобий фаолиятда айбланган. 1990 йил 6 февралда оқланган.

АБДУШУКУРОВ Жунайдулла – Денов туманидаги Сина қишлоғида яшаган. Аксилінқилобий фаолиятда айбланган. 1928 йилда сургун қилинган.

АБИЛОВ Эшқобил – Денов тумани, Янгибозор қишлоқ кенгашидаги Эшон қишлоғида яшаган. 1928 йил 13 декабрда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган.

АБРАЕВ Бегимкуль – 1896 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган. 1931 йилда давлатга қарши қуроли қаршилиқ қилиш ҳаракатларида иштирок этишда айбланиб, 5 йил муддатга сургун қилинган. 2022 йил 19 декабрда оқланган.

АБРАЙ Муҳаммад ўғли – Денов туманидаги Оқтумшуқ қишлоғида яшаган. 1928 йилда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган.

АБРАЙ Раим ўғли – Денов туманидаги Олатемир қишлоғида яшаган. 1928 йилда хусусий мулк эгаси бўлганлиги учун “қулоқ” қилинган.



